

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

АДОЛАТ

ИТТМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

info@adolatgz.uz • www.adolatgz.uz • www.adolat.uz • № 33 (943) • 2013-yil, 16-avgust, juma

Улуғ марраларни кўзлаган халқмиз

Истиқлол солномаси

Бугун барчамизнинг фикру зикримиз ҳаёти-миздаги энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллигини муносиб кутиб олиш, шу йиллар ичида эришган галабаларимизни янада мустаҳкамлаш, юртимизда эркин ва обод жамият қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш, халқимизнинг ҳаёт даражасини бундан буён ҳам ошириб бориш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-этиборини кучайтириш ва бошқа муҳим вазифалар юзасидан янги марраларни белгилаб олиш десак, муболаға бўлмайди.

4 ➤

Экспорт салоҳияти —

юрт манфаати

Муносабат

Мамлакатимиз Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори иқтисодий-ишловчи жаҳон андозалари асосида юксалтиришнинг яна бир муҳим пойдевори бўлди. Чунки тадбиркорлик субъектларининг экспорт билан шуғулланиш баробарида ўз молиявий имкониятларини кенгайтиришлари, жаҳон бозорига кўпроқ рақобатбардош маҳсулот чиқаришлари ва шу жараёнда ташқи савдодаги шериклик муносабатларида эҳтимоли тутилган хавф-хатарлардан ҳимоя қилинишлари бизнес тараққиётида муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан Президентимиз қарори билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва истиқболли йўналишга солиш мақсадида тузилган маҳсулот жамғарма ҳам айни муддао бўлди. Чунки тадбиркорлар жамғарманинг беғараз қўмағи билан жаҳон бозорига буюртмачи-харидорлар билан ўзаро тенг шерикчилик муносабатларини амалга оширадиган, экспорт соҳасида янги, фойдали шартномаларни туза оладилар.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, Жамғарма экспорт маҳсулотларининг микдорини оширади, жумладан, хорижий мамлакатларнинг қонунчилигига мувофиқ зарур лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг халқаро тендер савдоларида иштирок этиши билан боғлиқ рўйхатдан ўтиш йиғимлари ҳамда бошқа тўловларни тўлашимизда беғараз ёрдам кўрсатади. Бу эса эмин-эркин фаолият юритишимиз учун қулай шарт-шароит яратилади, дегани.


Мен раҳбарлик қилаётган “СамАнтепгилам” корхонаси мамлакатимизда экспорт фаолияти билан муваффақиятли шуғулланаётган юзлаб тадбиркорлик субъектларидан бири. Биз ўз маҳсулотимизни МДХ мамлакатлари ва Европага етказиб бераёلمиз. Ўтган йили

экспорт улуши жами савдо ҳажмида 8 миллион АҚШ долларини ёки ялпи маҳсулотнинг 60 фоизини ташкил этди. Бу йил мазкур кўрсаткични 10 миллион АҚШ долларига етказмоқчимиз. Шу мақсадда йил бошида Германиянинг Ганновер шаҳридаги йirik халқаро савдо кўргазмасида иштирок этиб, яна 4 та фойдали шартнома тузишга эришдик. Президентимизнинг экспорт соҳасини қўллаб-қувватлаш йўналишидаги қарори эса энди бизни шартнома асосидаги молиявий жараёнларни хавф-хатарсиз тўлиқ амалга оширишимизга кафолат бермоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш баробарида улар меҳнатининг самарасидан ҳар бир оиланинг баҳраманд бўлишини таъминлаш партиямиз ҳаётий мақсадларига, интилишларига тўла мос келишини ҳисобга оладиган бўлсак, Юртбошимизнинг мазкур қарори фаровонликка эришиш йўлидаги янги рағбат бўлди. Ғам-хўрликка амалий меҳнатимиз билан жавоб бериб, корхонамизнинг экспорт салоҳиятини янада ошираемиз.

Қамол АБДУЛЛАЕВ,
“СамАнтепгилам” қўшма
корхонаси раҳбари,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
азоси

2 ➤



Тараққиётнинг “ўзбек модели”

ўзининг нақадар ҳаётбахш, буюк келажакимизга йўналтирилган концепция эканини тўла исботлади

Инсоният тарихи моҳият эътиборига кўра неча-неча асрларга татигулик ҳулоса ва сабоқлардан иборат. Узоқ ўтмишга таалуқли маълум бир воқеанинг одамлар ҳаётига, жамият аъзолари онг-тафаккурига таъсири даврлар ўтиши билан ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди, аксинча, бу сабоқларнинг ибратли жиҳатлари келажак авлодларга ҳам хизмат қилади, уларга тўғри йўللارни кўрсатади, тўғри ечимларни топишда ёрдам беради.

Ана шундай сабоқлардан бири шуки, жамият тараққиёти иқтисодий ютуқлар билан бирга маданий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ишловларнинг самарасига ҳам беvosита боғлиқ. Зеро, инсоннинг дунёқараши ҳамда турмуш тарзини ўзгартирмай ту-

риб, жамиятни ривожлантириб бўлмайди.

Мустақиллиқнинг дастлабки даврида ёш давлатимиз, аста-секин оёққа тураётган жамиятимиз олдида собиқ тузумдан қолган ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий асоратлардан қутилиш, пароканда иқти-

содни қайтадан йўлга қўйиш, мамлакатда тинчлик-тотувликка, аҳил-иноқликка эришиш, мустақилликни сақлаб қолиш, миллий истиқлол мафкурасини яратиб вазифаси турар эди.

2 ➤

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги олдида



Байрам оғушидаги Андижон

4 ➤

Самарқанддан хушхабар

27-Даҳбед сайлов округидан “Адолат” СДП Оқдарё туман Кенгаши депутатлигига тумандаги Агроиқтисодиёт коллежи директори вазифасида ишлаётган Каттаев Камол Тоҳирович сайланди.

3 ➤

Депутатлик гуруҳлари фаолияти такомиллаштирилмоқда

бу сайловчилар манфаатини
янада мустаҳкам ҳимоя қилиш
имкониятини кенгайтиради

Парламентда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг қонун лойиҳалари муҳокамагарига бағишланган навбатдаги йиғилишида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлаш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари биринчи ўқишда қизғин муҳокама қилинди.

3 ➤

Сиёсат

Тараққиётнинг “ўзбек модели”

ўзининг нақадар ҳаётбахш, буюк келажагимизга йўналтирилган концепция эканини тўла исботлади

Давоми. Боши 1-бетда

Истиқлолни кўлга киритиш миллат учун катта бир ютуқ бўлса, уни асраб-авайлаш, мустақамлаш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий асосларини яратиш, жамият ҳаётини тамомла янги изга солиш ва ривожлантириш, янги жамиятнинг янги аъзоларини тарбиялашдек муҳим вазифаларни худди шундай буюк галабага тенглаш мумкин. Бунинг боиси шуки, тарихда жанг қадалар билан мустақилликка эришган, аммо бепарволликка йўл қўйиб, ҳамжиҳат бўлмаб, ягона мақсад йўлида бирлашмай, уни қўлдан бой берган мамлакатлар, халқлар кўп бўлган. Не бахти, биз тарихнинг бу аччиқ сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб, мустақилликни, мамлакатдаги тинч-тотув ҳаётни, миллатлараро аҳил-иноқликни сақлаб қолдик. Миллий маҳдудликка берилмадик, ҳақон ҳамжамияти билан икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйдик. Турмуш тартибидан, онг-шууримизда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғурлиги ўз ифодасини топди.

Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаган халқлик сиёсати, халқимизнинг ақл-заковати, аждодлардан бизга мерос бўлиб қолган азгу азаллий қадриятлар боис, бошимизга тушган оғир синовларни орда қолдирдик. Собик тузумни ҳамон афзал билиб, уни кўмсаб, ўзларича миллий республикалардаги ўзликни англаш ҳаракатини “узюкка бормайдиган, келажақ йўқ шунчаки бир хомхаёл”, дея “башорат” қилдирганларнинг лисандалари, кўп ҳолларда эса ошқора хуружлари олдида ўзимизни йўқотмадик. Огоҳ бўлиб яшашга, ўз уйимизни, оиламизни, маҳалламизни, келажагимизни ўзимиз асраб-авайлашга, истиқлол иморатининг маънавий пойдеворини ўзимиз яратишга, азиз фарзандларимизни бошқалар эмас, ўзимиз тарбиялашга ўргандик. Жуда қийинчилик билан бўлса-да, бунинг урдасидан чиқдик.

Истиқлолимизнинг ҳар кунини, ҳар ойини, таъбир жоиз бўлса, ҳар дақиқаси тинимсиз кураш-

лар, изланишлар билан ўтди. Ҳамма соҳани ислоҳ қилишга, мустақиллик иморатини пойдеворидан бошлаб қайта қуришга, собик тузумдан қолган мажрўб иқтисодни соғломлаштиришга, иқтисодий узилишларнинг олдини олишга, янгилик омилиқорлик ва тадбиркорлик билан иш туттишга тўғри келди.

Биз бугун, ҳаётимизда энг улуг ва энг азиз бўлиб қолган байрамимизнинг йигирма иккинчи йилида шу тўғрисида ўйлар эканмиз, нечоғли қийин ва мураккаб йўлни босиб ўтганимизни, халқимизнинг пешонасига мустақиллик нури текканида мамлакатда, собик иттифок худудида, дунёда қандай қалтис вазият мавжудлигини доимо ёдда тутишимиз зарурлигини ҳис этамиз. Президентимизнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” асарларини, “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”ни такрор-такрор мўтолаа қилишимиз, айниқса, ёшлар орасида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларида, “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шiori остида ўтаётган маънавий-тарбиявий тадбирларда улардаги хулоса ва кўрсатмаларга қатъий амал қилишимиз лозимлигини англаймиз.

Ўтган давр мобайнида биз олдимизга қўйган буюк вазифа — замонавий ривожланган демократик давлатлар сафига кириш, фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни, иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан кўлга киритган ютуқ ва юксак марраларимизнинг халқаро майдонда эътироф этилаётганини, Ватанимиз салохияти, моддий, иқтисодий ва интеллектуал куч-қудратимиз торабга олиш, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ва чехраси ўзгартириб, очилиб бораётганини барча эътироф этмоқда.

Буни куйидаги статистик рақамлар ҳам исботлаб турибди.

2008 йилдан буён давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароити-

да Ўзбекистонда 2008-2012 йилларда, яъни охириги беш йилда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги санокли давлатлар қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил этгани, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ва мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг кўпайиши таъминланаётганини айтишнинг ўзи кифоя.

Осиё тараққиёт банкнинг маълумотлари бўйича, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари кейинги уч йилда 3 баробар кўпайган.

Шулар қаторида истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 3,7 баробар, аҳолисининг реал даромадлари жон бошига 7 баробар, ўртача пенсия миқдори қарийб 9 баробар, ойлик иш ҳақи эса 18 баробар ошгани, одамларимизнинг умр кўриш даражаси ўртача 7 йилга узайгани, ёқилга ва галла мустақиллигига, ўзимизни ўзимиз гўшт, сут ва бошқа истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз буларнинг яққол тасдиғидир.

Буларнинг барчаси, аввало, мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб “Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун” деган принципини ҳаётга татбиқ этганимизнинг амалий самараси десак, янглишмаган бўламиз. Ўтган йиллар мобайнида юртимизда уй-жой ҳажмининг кўрсаткичи қарийб 2 баробар ошгани, оилаларнинг 98,5 фоизи ўзининг шахсий уй-жойи ёки квартирасига, қишлоқларда яшаётган оилаларнинг 97,5 фоизи шахсий томорқасига эга бўлганини айни шу мақсадда амалга оширган миллий дастурларимизнинг натижаси, деб қабул қиламиз.

Бундан йигирма икки йил олдин ҳар ўнта оиладан бор-йўғи биттаси шахсий машинага эга бўлган бўлса, бугунги кунда ҳар учта оиланинг биттасида автомобиль мавжуд экани, ҳар уч нафар юрдошимиздан бири Интернет тармоғидан фойдаланиб келаётгани халқимизнинг фаровонлиги торабга олиб бораётгани, унинг эмин-эркин яшаётганини намойён этади. Бугун барча

давлатларни катта ташвишга солаётган, ҳали-бери давом этаётган, жаҳон миқёсида энг долзарб, энг оғир масала бўлиб турган молиявий-иқтисодий инқирозни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон охириги саккиз йил давомида дунёдаги санокли давлатлар қаторида ўртача 8-8,5 фоиз иқтисодий ўсишга эришаётгани мамлакатимиз салоҳияти барқарор ривожланиб бораётганининг яққол далилидир. Жорий мавсумда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида янги саҳифа очилди — деҳқонларимиз 7 миллион 610 миң тонналик улкан галла хирмонини бунёд этдилар. Бу дастурхонларимиз тўқинлиги, рўзгорларимиз кутбаракаси, демакдир.

Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги ва улар нархининг ўсаятгани кузатилаётган бир шароитда бундай юксак натижалар мисолида фаровонлик сари дадил одамларимиз меҳнаткаш халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти намойён бўлади.

Бугун олдимизда турган энг устувор вазифамиз — бошлар ишларимизни исчил давом эттириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизнинг барча жаҳалларини эркинлаштириш жараёнини янги босқичга кўтариш, ҳаётимизнинг даражаси ва сифатини янада юксалтиришдир.

Бугунги нотинч ва мураккаб замон, яқин ва узюк ён-атрофимизда, минтақамизда кўпдан буён давом этаётган низо ва қарама-қаршилик, тораба кескинлашиб бораётган вазият биздан доимо оғоҳ, доимо хушёр, сергак ва сезгир бўлиб яшашимизни, хавфсизлигимизга таҳдид солаётган ҳар қандай бало-қазонинг олдини олишимизни талаб этмоқда.

Биз эришган ютуқ ва марраларни кўлга киритиш осон бўлмаганини, бу йўлда қандай мураккаб ва тахликали синов, тўсиқ ва ғовларни енгишга тўғри келганини таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги кунларда ҳам танлаган йўлимизга шубҳа туғдириш, кечаги даврни кўрмаган, тажрибаси етарли бўлмаган ёшларни йўлдан оздиришга, истиқлолимизнинг маъно-маъ-

мунини сохталаштиришга, бизни яна эски қолип ва тобеликка қайтаришга уринадиган кучлар ва ҳаракатлар кам эмас. Аммо бугун биз кечаги — 90-йиллардаги ўта содда, ҳеч қандай сиёсий тажрибага эга бўлмаган одамлар эмасмиз. Бугун биз дунёқараши, сиёсий ва фуқаролик савияси, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётган, оқни қорадан ажрата оладиган халқимиз.

Бир сўз билан айтганда, истиқлол йиллари Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида кўлга киритилган улкан ютуқлар, бетимсол ишлар билан бугун ҳар қанча фахрлансак арзийди. Юртимиз шаҳарларидаги ўзгаришларни, ободлик ва гўзалликни кўриб, кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Бу каби оламшумул ўзгаришларда тараққиёт, фаровонлик сари дадил одамларимизнинг халқимизнинг метин иродасини, қалб кўрини, бунёдкорлик салоҳиятини кўрамиз. Тинч, обод ва фаровон юрда яшаётганимиздан фахрланамиз. Юртимиз жамолидаги ўзгаришлар, шаҳарлар ва қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий уйлар худудларимиз кўрмига кўрк қўшмоқда, одамларнинг ҳаётдан розилигини ифодасига айланмоқда.

Дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар, нуфузли халқаро молия институтлари, етакчи эксперт ва таҳлилчилар томонидан эътироф этилаётган тараққиётнинг “ўзбек модели” ўзининг нақадар ҳаётбахш, буюк келажагимизга йўналтирилган концепция эканини тўла исботлади. Ўзбекистоннинг бугунги қудрати ва салоҳияти, халқаро майдонда тораба ортиб бораётган обрў-эътибори, мамлакатимиз жаҳоннинг кўлаб давлатларини оғир аҳволга солиб қўйган иқтисодий танглик шароитида ҳам барқарор юксалиб бораётгани мазкур концепциянинг чинакам тарихий аҳамиятга эга эканидан далолатдир.

Собир ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси раҳбари

Кўнглидаги гапни айтишимиз керак, Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги изчил ислохотлар аллақачон ўз самарасини бера бошлади. Буни биргина вилоятимиз миқёсида кузатадиган бўлсак, ялли худудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 62,4 фоизга етди.

Тадбиркорнинг ИМКОНИЯТИ янада ортди

Жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес субъектлари томонидан 1 триллион 678 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа 125,4 фоизга бажарилди. Тадбиркорларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ҳамда рақобатбардорлиги билан нафақат маҳаллий бозорларимиз, балки жаҳон бозорларида ҳам ўз харидорларини топмоқда.

Тан олиш керак, барча соҳаларда ишлаб чиқариш изчил ривожланаётган, ички истеъмолдан ташқари ортиқча маҳсулот тайёрланаётган мамлакатимизда экспорт имкониятларини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш муҳим жараён саналади. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, юртимизнинг ана шундай юксак потенциал ва бемисл имкониятлари ҳамда истиқболлини ўзида мужассам этган мазкур қарорнинг аҳамияти ва қадр-қиммати жуда катта.

Корхонамизда ҳозирги кунда 20га яқин қишлоқ ёшлари иш билан таъминланган. Бу йил корхонамизда лойиҳа қиймати 180 миллион сўм бўлган реконструкция ишларини амалга оширдик. Бу эса сифатли маҳсулот етиштириш имкониятини берди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 100 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқардик. Келгуси йили корхонамизни янада кенгайтириб, ўз маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилиш ниятимиз бор. Президентимиз қарорини қабул қилиниши бу борадаги ишларимиз кўламининг кескин ошишида муҳим омили бўлиши шубҳасиз. Қарорда белгиланган имтиёزلардан фойдаланиб, келгусида хорижий давлатларда ўзимизнинг савдо ярмаркаларимизни, кўргазмаларимизни ташкил этишни режалаштирдик.

Эътибор қаратинг-а, кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-



лик субъектлари товарлар ва хизматларни олдиндан ҳақини тўламасдан, аккредитив очмасдан ёки ўрнатилган тартибда берилган экспорт шартномасининг сугуртаси бўйича полис мавжуд бўлганида 180 кун мобайнида маблағ келиб тушиши ёки орқага қайтариш мuddати кафолатсиз хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай шароитда яқин ишламай бўладими ахир!

Мақсадимиз битта - ишлаб чиқараётган ва етиштираётган маҳсулотларимиз билан ўзимизнинг эҳтиёжимизни тўлақонли қондириш ва ортан қисмини жаҳон бозорига чиқариш. Бу эса, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида нуфузи ва обрў-эътиборини янада ошириш билан бирга бугунги дорилон кунлар, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг бардавом бўлишини таъминлади.

Матлуба ТЕМИРОВА,
“Галлаорол текстил” хусусий корхонаси раҳбари

Сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш гарови

Ҳуқуқий эксперимент

Шу кунларда Бухоро ва Самарқанд вилоятларида мамлакатимиз парламенти томонидан ишлаб чиқилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажриба амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар давлат бошқаруви органлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа жамоат институтларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида лойиҳаси ишлаб чиқилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Қонун жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш процедураларини белгилайди, унда аҳоли, жамоат бирлашмаларининг улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларига тааллуқли қарор-

лар тўғрисидаги ахборотдан янада кенг фойдаланишнинг таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши ижро ҳокимияти органларининг мазкур қарорлар сифати учун масъулиятини ошириш, жамиятимизда фикрлар хилма-хиллиги, сўз ва саялов эркинлигини кенгайтиришга ёрдам беради. Чунки, янги талабларга кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг расмий талаби у рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кун ичида, оммавий ахборот воситаларининг таъриба субъектлари фаолияти, унинг мансабдор шахслари билан интервью ташкил қилиш ҳақидаги талаби эса етти кундан ошмайдиған муддатда қўриб чиқилиши шарт.

Қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича тажриба нарина фақат тақлиф этилаётган қонунчилик нормаларини бажаришга доир амалий ҳуқуқни қўллаш механизминини яратиш, балки жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсла-

рининг ижро интизоми ҳамда масъулиятини ошириш имконини беради.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш принципи “электрон ҳуқумат” концепциясининг услубий қисмига айланади. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил январда бўлиб ўтган мажлисида ушбу концепцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Эътироф этиш жоизки, ҳуқуқий тажрибани ўтказиш тартибига биноан, Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари жорий йилнинг май ойидан ноябрь ойигача қонун лойиҳаси талабларига мувофиқ янги режим ишламоқда. Ҳуқуқий тажриба бир неча босқичда амалга оширилмоқда. Мисол учун, биринчи босқич давомида уни ўтказиш бўйича ташкилий тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари бу борада салмоқли ишларни бажарди.


Жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтларини қонуннинг синовдан ўтказилаётгани, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларидан ахборот олиши учун яратилаётган имкониятлар ҳақида кенг хабардор қилиш мақсадида Бухоро ва Самар-

қанд вилоятларида фуқаролар иштирокида учрашувлар ўтказилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари веб-сайтларида ахборот жойлаштириш, фуқароларга оғзаки ва ёзма ахборот тақдим этиш, оммавий ахборот воситаларида давлат бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги ахборотни ёритиш ва бошқа кўлаб йўналишлар бўйича масалаларни тартибга соладиган меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Ҳуқуқий тажриба субъектлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-кутубхона ҳамда архив фондлари орқали зарур маълумотларни тақдим этишнинг вақтинчалик тартиби тасдиқланди.

Ўз навбатида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари ўз веб-сайтларини тизимли асосда такомиллаштириб, мунтазам янгилаб бориш билан бирга, матбуот анжуманлари, брифинглар ва бошқа тадбирлар ўтказмоқда. Ушбу тадбирлар давомида аҳоли ўз худудининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти ҳақида тўлиқ ва холис ахборотга эга бўлаётди.

Ишчи комиссияси ва ишчи гуруҳлари аъзолари билан мулоқотларда шунга амин бўлмоқдамизки, худудларда фуқароларнинг сиёсий ва ахборот олиш фаоллиги ошган, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари оғзаки ҳамда



оғзаки мурожаатлар сони кўпайган. Хусусан, статистик маълумотларга кўра, 2013 йилнинг иккинчи чорагида бундай мурожаатлар сони биринчи чоракага нисбатан икки баробар ошган, Бухоро вилоятида бу кўрсаткич 1230 тани ташкил қилди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Бухоро вилояти Кенгаши ҳам ўтказаяётган барча тадбирларида жамоатчиликни ҳуқуқий тажрибанинг мазмун-моҳияти

лан партия ушбу принципларни таъминлашга қаратилган муайян давлат дастурларини, жумладан, фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувини жадаллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид муҳим масалалар ечимига доир қарорлар қабул қилиш, мазкур қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш жараёнида жамоатчиликнинг фаол иштироки етишига ёрдам берадиган “электрон ҳуқумат”ни жорий этиш бўйича дастурни ишлаб чиқиш жараёнида ҳам фаол иштирок этади.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси асосида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси ижтимоий ҳаётни янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқий тажрибанинг ўтказилаётгани эса, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қарор топтириш, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, қонунчиликни такомиллаштириб, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашга хизмат қилади.

Асрор ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Бухоро вилояти Кенгаши раиси

Депутатлик гуруҳлари фаолияти тақомиллаштирилмоқда

бу сайловчилар манфаатини янада мустақкам ҳимоя қилиш имкониятини кенгайтиради


Давоми. Боши 1-бетда

Таъкидланганидек, мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу янгиланишлар жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилади. Энг муҳими, сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва у ривожлантирилмоқда. Бу эса мамлакатимизда сиёсий тизимни эркинлаштириш, сиёсий қарашлар, фикрлар, позициялар хилма-хиллигини таъминлаш, партиялараро рақобатни ривожлантириш имконини яратди. Мамлакатимиз Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, сайлов қонунчилиги тақомиллаштирилди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламентига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу давлат ва сиёсий қурилиш тизимини вакиллик ҳокимиятининг аҳамияти ва ролини янада кучайтириш, ҳокимиятнинг ижро тармоғи органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ролини тубдан ошириш, уларнинг фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш учун мустақкам қонунчилик асосларини яратди.

Бироқ бугунги тезкор давр кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг, хусусан, ҳудудий ташкилотлар ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ташаббускорлигини кучайтиришга тақозо этмоқда. Яъни парламент ва маҳаллий кенгашлар олдида жойларда қонунлар ҳокимликлар томонидан қандай ижро этилаётгани устидан кучли депутатлик назоратини ўрнатиш

вазифаси турибди. Фракция аъзоларининг фикрича, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини яхшилашга, уларнинг ташаббускорлигини кучайтиришга хизмат қилади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини ва партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда муносабатларини баён этишди.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:



— Партия гуруҳларининг ҳудудларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини сифатли ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг фаолияти мазмун-моҳиятига таъсири сезиларли кучайиб бораёпти. Хусусан, 2012 йилда биргина Ўзбекистон «Адолат» СДП депутати билан 41 та таклиф халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари муҳокамасига киритилди. Улар буйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Аммо, шиддат билан ривожланаётган демократик ислохотлар жараёни сиёсий партияларнинг жойлардаги

ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ечишдаги роли ва масъулиятини янада ошириш, улар томонидан сиёсий партияларнинг дастурий вазифаларини, сайловчиларнинг манфаатларини ифодалашнинг янги, янада самаралироқ механизмларни ишлаб чиқишни талаб қилади, албатта. Айтмоқчиманки, амалдаги қонун ҳужжатларида маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларини ташкил этиш тартиби ва фаолиятини тугатиш шартлари, сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ечишдаги роли ва ўрни етарлича очиб берилмаган эди. «Демократик кучлар блоки» ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада маромига етказишга хизмат қилади.

Раъно ГАЙМОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:



— Сиёсий партияларнинг сайловчилар манфаатларини ифодалашнинг янада самарали механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этаётган ислохотлар жараёни ушбу қонун лойиҳасини тайёрлаш заруриятини юзага келтирди. Шу боис қонун лойиҳасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент

шаҳар кенгашларидаги ҳамда шаҳарлардаги (вилоятлар марказларидаги) партия гуруҳларини ташкил этиш учун депутатларнинг энг кам миқдори беш нафар этиб белгилаш таклиф этиляпти. Бу норма партия гуруҳларининг иш самарадорлигини оширади, албатта. Шунингдек, қонун лойиҳасида партия гуруҳининг фаолияти тугатилиши билан боғлиқ ҳолатларнинг аниқ белгиланаётгани ҳам аҳамиятлидир.

Алишер АКРАМОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:



— Қонун лойиҳасида назарда тутилган ўзгартиш ва қўшимчалар партия гуруҳларининг ваколатлари ва ҳуқуқларини янада кучайтиради. Хусусан, тегишли вакилик органи комиссиялари раислигида, раис ўринбосарлиги ва аъзоларига номзодлар буйича таклифлар киритиш, муайян ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ҳисоботи ёки ахборотини сессияларда эшитиш ташаббуси билан чиқиш ҳақидаги норма ҳам қонун лойиҳасида ўз аксини тоғмоқда. Партия гуруҳларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига киритиладиган масалалар буйича таклифлари қўриб чиқиши шартлиги қонун билан мустақкамланаётгани ҳам маҳаллий депутатларнинг фаолиятини оширибгина қолмай, соғлом

рақобат муҳитининг шаклланишига хизмат қилади.

Фракция аъзолари фикрича, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунга таклиф этилган ўзгартишларнинг қабул қилиниши сиёсий партиялар ва депутатлик гуруҳларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ечишдаги роли ва масъулиятини янада оширишга, партияларнинг сайловолди платформаси ва дастурий мақсадларини амалга ошириш борасидаги фаолликларини кучайтиришга хизмат қилади. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг мақсад ва вазифаларига тўла мос келади. Зеро, партия кучли депутатлик корпусини шакллантириш, шунингдек, депутатлар бирлашмаларининг марказда ва жойларда қонун устуворлиги принципини таъминлаш, мамлакатимиз ҳудудлари, айниқса, қишлоқларда ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни амалга ошириш буйича «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунда, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ваколат ва вазифаларидан самарали фойдаланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Шунингдек, фракция мажлисида «Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш янада мустақкамлаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ҳам муҳокама қилинди. Лойиҳа фракция аъзолари томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фарход ЭСОНОВ,
«Adolat» мухбири

Анжуман

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети ва Тошкент ирригация ва мелиорация институти томонидан «Қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш муаммолари, «Коллеж — олий таълим — корхона» ўртасидаги ўзвийликни модернизация қилиш» мавзусида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Фан — таълим — ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзвий алоқа

матбуот конференциясининг диққат-марказида бўлди

— Бугунги кунда касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида ўрта-махсус касб-хунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида коллеж ўқувчиларини тегишли корхона ва ташкилотларга бириктирган ҳолда «Устоз-шогирд» йўналишини кенг жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. 2012 йилда коллежларни тугатган 450 миң нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланган, уларнинг 43 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашган. Умуман, 2012 йилда аҳоли бандлиги дастурларини амалга ошириш доирасида 973,5 миңта, шу жумладан, қишлоқ жойларда 602,4 миңтадан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилган. Шунингдек, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тасарруфида қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари тайёрловчи 4 та олий таълим муассасаси ва 2 та филиал фаолият кўрсатиб келмоқда. Булар Тошкент давлат аграр университети ва унинг Нукус филиали, Тошкент ирригация ва мелиорация институти ва унинг Бухоро филиали, Самарқанд ва Андижон қишлоқ ҳўжалик институтларидир, — деди Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги марказий аппарати Қишлоқда иқтисодий ислохотлар масалалари буйича мажмуа раҳбари ўринбосари М.Қосимов.

Вазирлик тасарруфидаги олий таълим муассасаларида бакалавриятнинг 38 та таълим йўналишлари буйича жами 19034 магистратуранинг 58 та мутахассислик йўналишлари буйича жами 755 талаба тахсил олмақда. Мазкур олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабаларнинг аксариятини муайян ҳудуд ва шаҳарларда муқим яшовчи талабалар ташкил этиши туфайли битирувчиларини иш билан таъминлаш, жойлардаги корхоналарнинг бўлиб, улар асосида суҳбатлар, учрашувлар, очик дарслар, шу билан бирга «Очик эшиклар кўни» ўтказилиб келинмоқда.

— Уқув жараёнини интеграциялаш кенг қамровли жараён, — деди Тошкент ирригация ва мелиорация институти проректори Т.Султонов. — Фан-таълим-ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзвий алоқа илм олишни излаш, изланишни ишлаб чиқариш билан бирга олиб бориш демократик

Феруз ЖўРАЕВ,
«Adolat» мухбири

Бағрикенглик намунаси

«Ўзбекистон — умумий уйимиз»

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Республика байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» мавзусида байрам тадбири ташкил этилди.

Партия фаоллари, Республика байналмилал маданият маркази ҳамда мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров таъкидлаганидек, республикаимизда мустақиллик йилларида Юртбошимиз бошчилигида миллатлараро аҳиллик ва конфессиялараро тотувликни мустақкамлаш, маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш буйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу барча соҳаларда олиб борилган кенг кўламли ислохотлар, халқимиз турмуш даражасини янада юксалтириш йўлидаги эзгу сазй-ҳаракатларнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилаётди.

Бугун юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек, тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро

ҳамжиҳатликда яшаб, Ватанимиз тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилиб келишмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим олишлари, қизиқиш ва лаёқатлари буйича касб-хунар эгаллашлари, маданиятлари, анъана ҳамда қадриятларини сақлаш, ривожлантиришлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Мактаб ва олий ўқув юртиларида дарслар ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозок, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб борилмоқда, йирик диаспоралар тилларида газета ва журналлар чоп этилиб, радио эшиттириш ва телекўрсатувлар тайёрланмоқда. Бундай эътибор натижасида кўп миллатли халқимизнинг бўй тарихий-маданий мероси қайта тикланди, қадр тоғди. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам ўз фаолияти доирасида юртимизда қарор тоғган бағ-



рикенглик, дўстлик, бирдамликни мустақкамлаш тарафдорлари. Ташкил этилган тадбир ҳам ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятли.

Бугун мамлакатимизда 150 га яқин миллий маданий марказ фаолият олиб бормоқда. Президентимиз ташаббуси билан мазкур марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида 1992 йил январда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилган. Мар-

каз жамиятимиздаги тинчлик ва оқойишталик, миллатлараро тотувликни янада мустақкамлаш, миллий ва умумбашарий анъаналарни равнақ тоғтириш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга баҳоли қудрат ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

— Азалдан халқимизга хос бўлган бағрикенглик фазилатлари истиклол йилларида янги, янада чуқур мазмун-моҳият билан бойиб, изчил ривожланмоқда, — деди Республика байналмилал маданият

маркази директори ўринбосари Сергей Миронов. — Бу кўп миллатли Ўзбекистоннинг ўзи танлаб олган йўлдан изчил ва қатъий олға боришида, жамиятимизда барқарор ва фаровон ҳаётни таъминлашда мустақкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси П.Пармонова «Бирдамлик» социал-демократия шiorларидан бири эканлиги ва бағрикенглик асосида қарор тоғган миллатлараро ва динлараро муносабатларни бундан кейин ҳам асраб-авайлаш, уларнинг уйғун равишда ривожланишига кўмаклашиш партиянинг дастурий мақсадларидан бири эканлигига иштирокчилар эътиборини қаратди.

Маданий-маърифий байрам дастурида турли миллатларнинг маданий марказлари томонидан намойиш этилган бадий чиқишлар ҳамда таниқли санъаткорларнинг Ватанимиз маданийликни улуғловчи куй-қўшиқлари йиғилганларга байрамона кайфият бахш этди.

Бобур ОТАМУРДОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби

Адолатчилар сафи кенгаймоқда

Хушxabар

Яқинда Самарқанд вилоятидаги халқ депутатлари Оқдарё тумани Кенгашига бўшоб қолган ўринлар учун сайловлар ўтказилди. Унда Ўзбекистон «Адолат» СДПдан кўрсатилган номзод муваффақият қозонди.

Хусусан, жорий йилнинг 28 июль санасида бўшоб қолган ўринларга ўтказилган сайловда 27-Даҳбед сайлов округидан «Адолат» СДП Оқдарё туман Кенгаши депутатлигига тумандаги Агроиктисодий коллежи директори вазифасида ишлаётган Каттаев Камол Тоҳирович сайланди.

— Очик-ошкоралик ва ҳаққоний тамойил асосида ўтказилган сайловда сайловчиларнинг вакилларимиз илгари сурган дастур, мақсад ва вазифаларни маъқуллашгани натижадан маълум, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Мастура Шарипова. — Эндиликда Ўзбекистон «Адолат» СДП халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида 51 нафар вакилларнинг фаолият кўрсатилмоқда. Депутатлар халқ орасида бўлиб, уларнинг қорига яраётганликлари, уларнинг энг яқин, ишончли кишиларига айланаётганликлари ишимизнинг янада самарали бўлишига хизмат қилмоқда десам, адашмаган бўламан. Бу эса, партияимиз дастурий вазифалари, гоаяларини ҳаётга янада кенгроқ татбиқ этиш, электротартибимиз манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ишларимизни самарали амалга ошириш имконини кенгайтиради.

Зубайдулла ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилояти Кенгаши матбуот котиби

Жараён

Улуғ марраларни кўзлаган халқмиз

Давом. Боши 1-бетда

Мустақилликнинг дастлабки қадамлари инсоният тарихида ҳам ижобий, ҳам салбий воқеа-ходисалар билан тўлиб-тошган йигирманчи асрнинг ўта мураккаб сўнги ўн йиллигига тўғри келди. Умри тугаб бораётган собиқ тузум ўз таъсирини, мафкуравий асосларини сақлаб қолишга жон-жаҳди билан уринаётган, иқтисод батамом издан чиққан, жамият ҳаётида турли ижтимоий-маънавий муаммолар юзага келаётган бир пайтда давлатимиз раҳбари халқимизнинг асрий орзу-интилишларидан, хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат деб эълон қилди. Шу кундан эътиборан ҳар биримизнинг ҳаётимизда, миллат тарихи ва тақдирини янги давр бошланди. Тилимиз, динимиз, қадим тарихимиз, маънавий-маърифий меросимиз қайта жонланиб, ўз ўзига тушди. Йиллар, асрлар ўтади, авлодлар алмашади, аммо миллатни миллат, халқни халқ сифатида эътироф этувчи бу буюк сана ўз аҳамиятини асло йўқотмайди, аксинча, йигирманчи аср сўнгидаги буюк бурилиш, бахтли тақдиримизни белгилаб берган воқеа сифатида истиқлол тарихини ёрғитиб тураверади.

Истиқлол халқимизнинг асрлар давомида шакланган беазир маънавиятини, миллий ва диний қадриятларимизни, беғубор ва самимий урф-одатларимизни, ўзимизга хос турмуш тарзимизни қайтарди. Маънавий-ахлоқий чашмаларнинг кўзлари очилгани, жаҳон тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган улуғ аждодларимиз меросини ўрганиш шарафига муяссар бўлганимиз энг катта, ҳал қилувчи ютук десак, янглишмаган бўламиз. Зеро, маънавий мерос ҳамма замонларда ҳам маънавиятда, таълим-тарбияда юзага келиши



мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда халоскор куч бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Дунёнинг бугунги мураккаб ҳолатидан келиб чиқадиган бўлса, ёш авлод онгини турли зарарли оқимлар, бузғунчи мафкуралар таъсиридан сақлаш, миллатимизнинг эрта сиб бўлган азиз фарзандларимизни ҳар томонлама комил инсонлар қилиб тарбиялашда бу мерос бизга яқин кўмакчи бўла олади. Албатта, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбига миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Бу вазифани ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўймоқда. Бугун дунёнинг деярли барча чорра-

ҳаларида иқтисодий, сиёсий ва маънавий йўналишларда кучли кураш, манфаатлар тўқнашуви бормоқда. Бу кураш иқтисодий-сиёсий соҳада — бўлинган дунёни қайта тақсимлаш, табиий бойликлар устидан назоратни қўлга киритиш, дунё бозорларига, транспорт-коммуникация йўлларида эгаллик қилиш, мафкуравий соҳада — турли миллат ва элларнинг асрлар давомида шакланган турмуш тарзи, урф-одатларини ўз манфаатлари йўлида «ислоҳ» қилиш, уларни «оммавий маданият» ниқоби остидаги «янгилик»лар билан «бойитиш», маълум мақсадларга мослаштириш, бунинг учун аса, биринчи навбатда, ёшлар онги ва қалбини эгаллаш йўлидаги носоғлом хатти-ҳаракатлардир.

Бундай ҳаракатлар бир қарашда кўзга унча ташланмайди, ҳатто фойдали, замонавий бўлиб кўринади, аммо замирида бузғунчилик, кўрмаслик каби ниятлар ётади,

ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган, дунёқараш шакланмаган ёшларни жуда тез тузоғига илтирилади. Аста-секин одоб-ахлоқ илдизларини емиради, онг-шуурни кераксиз, зарарли тушунчалар, мантқиққа зид хулосалар билан тўлдирлади. Бу жараёнга нисбатан қисқа муддатли бепарволик тузатиб, ўнглаб бўлмайдиган мураккаб муаммоларни юзага келтиради.

Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари ҳаммамизни ижтимоий жиҳатдан фаол бўлишга, огохликка чақиради, маънавий курашчилантирилган ва бунинг оқибатида маънавий илдизлари заифлашган халқ олдиди хавф-хатар олдига ҳам ожиз бўлиб қолишини, тараққиёт йулидан, кўзлаган манзилдан чалғиб кетишини қайта-қайта уқдиради. Дунёнинг ривожланган ҳар бир мамлакатини кўзлар билан, демакки, ҳаммаша хушёр бўлишга, таълим ва

тарбияни уйғун равишда олиб боришга тўғри келади.

Бугун биз ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қила олмаймиз. Олимлار бири иккинчисидан, иккинчиси учинчисидан мукамал, инсон ақл-заковати билан баҳслагга қодир машиналар ихтиро қилиш устида бош қотирмоқдалар. Лекин бу ихтиролар эртага ёшлар характериға, онги ва тафаккуриға, одоб-ахлоқиға, Ватан, жамият олдидидаги бурч ва масъулиятиға қандай таъсир кўрсатиши устида камроқ фикр юритилмоқда. Яна бир ҳолат шундан иборатки, ахборотлар оқими ичида бузғунчилик ниятида қасддан тарқатилётган, маълум мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий, геосиёсий мақсадларға хизмат қилувчи, ёшларни чалғитувчи маълумотлар, ғайриоддий, ғайриахлоқий воқеа-ходисаларнинг тафсилотлари, бузғунчи тарғибот ва даъватлар ҳам оз эмас. Уларни бир-биридан фарқлаш, маъно-моҳиятини тушуниш анча мураккаб иш.

Бугунги ёшлар халқимизнинг энг катта бойлиги, миллатнинг келажаги, катта авлод вакиллари бошлаган бунёдкорлик ишларининг давомчиларидир. Халқро спорт ареналарида ёхуд Менделеев номидаги халқро илмий олимпиадада ўзбекистонлик ёшлар қўлга киритган қувончли ютуқлар фикримизнинг тасдиғи бўла олади. Ҳар биримизнинг кадр-қимматимиз, таянчимиз ва ифтихоримизга айланган мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажак сари дадил одимлари шу авлод вакиллариға бевосита боғлиқ экан, уларни асраб-авайлаш, комил инсонлар қилиб тарбиялаш — муқаддас бурчимиз.

М.АҲМЕДОВ

Жамоатчилик назорати — дастурий вазифамиз



— Жамоатчилик назорати ҳар бир шахсдан мустақам фуқаролик позициясини, сиёсий-ҳуқуқий фаолликни, юксак ташаббускорликни, юрт тақдирини ва ривожига масъуллилик ҳамда дахлдорлик ҳиссини талаб этади, — деди давра суҳбатидида сўз олган Гулистон шаҳар партия кенгаши раиси Д.Абдуллаева. — Бу омиллари шаклантиришда амалий ишларни янада кучайтиришимиз лозим. Хусусан, партиянинг биринчи навбатда, туман ва шаҳар микёсида жамоат назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириши асосий вазифаларидан бири, деб билади.

Шунингдек, маърузачи кучли фуқаролик жамиятини шаклантириш жараёнида давлат органларининг қонун ҳужжатларининг бажарилиши устидан фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш, унинг самарадорлигини янада кучайтиришнинг ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилиши ҳамда фуқаролик жамияти

институтларининг ролинини ошириб бориш долзарб вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан «Уруш ва меҳнат фахрийлари» шифохонаси қошидаги БПТ раиси Мустафоқул Жўраев мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шаклантириш ва ривожлантиришда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аҳамияти, унинг шакли ва услублари, ижтимоий муҳим қарорларни қабул қилишда жамоатчиликнинг иштироки, жамоатчилик назоратининг оммавийлиги, яъни ҳар бир фуқаро ва фуқаролар гуруҳларининг бундай назоратда истисносиз иштирок эта олиши имкониятининг мавжудлиги ва бошқа шу каби масалалар тўғрисида сўз юритди.

Давра суҳбатиди якунида партия сафиға янги аъзолар қабул қилиниб, уларға аъзолик билетлари топширилди.

Шухратжон ХАСАНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сирдарё вилояти Кенгаши
матбуот котиби

Байрам оғушидаги Андижон

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги олдидан

Бугун Андижон ва андижонликлар ҳақида бутун республикамиз аҳли ўзгача ҳурмат ва ҳавас билан гапирётгани сир эмас. Бу истиқлол йилларида андижонликлар амалга оширган улкан яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари, вилоятдаги ўзгаришлар натижаси демакдир.

Улкан қурилиш майдонига айланган вилоятимизнинг қайси бир кўчасига кирманг, замонавий архитектура талаблари асосида барпо этилган иншоотларни кўриб ҳавасингиз келади. Равон йўллар, дам олиш масканлари, аҳолиға сервис хизмати кўрсатувчи мажмуаларға қараб шахримиз энг ривожланган давлатлардан кам эмаслиғига амин бўласиз. Бу ҳар бир андижонликнинг қалбини фахр ва гурурга тўлдирди, шубҳасиз.

Бугун байрам оғушидаги Андижоннинг чиройи янада ўзгача. Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги

байрами арафасида Андижон шаҳридаги Истиқлол ва Миллий тикланиш кўчаларининг очилиш маросими янада катта шодиёнага айланди. Зеро, бу кейинги йилларда андижонликлар амалга ошираётган бунёдкорлик ишларининг ўзига ҳос тақдироти демакдир. Тантаналарда похтақимиз Тошкент шаҳридан келган меҳмонлар, таниқли санъаткорлар ва вилоятимиз аҳлининг иштирок этгани ҳам бежиз эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қисқа муддат ичида 94 та иншоотда тадбиркорлар ва ишбилармонлар томонидан улкан микёсда



реконструкция, қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. «Инфинбанк» ва «Ипак йўли» банкларининг вилоят филиаллари янгидан қурилиб битказилди, замонавий меҳмонхона ишга туширилди. Ўнлаб савдо, маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари, умумий овқатлаш бинолари фойдаланишга топширилди. «Олтин водий» ресторани, «Анда жон», «Дилноз» ва «Шарқ» тантаналар саройлари аҳолининг тўй-базмлари ҳамда бошқа маросимларини ўтказишга шай қилиб қўйилди. Қолаверса, кафе, парҳез таомлар ошхонаси ҳамда умумий ов-

қатланиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди.

— Андижонға ҳаммаша соғинч ҳисси билан келаман, — дейди шоир Бобур Бобомурод. — Бу сафарги ўзгаришлардан эса тилим лол қолди. Андижонликлар барча соҳаларда, бунёдкорликда ҳам биринчилардан эканини намоён этишди. Мен юртдошларимизни, шу замин аҳлини яқинлашиб келаётган энг ардоқли байрамимиз — Мустақиллик куни билан самимий қутлайман. Ҳар кунимиз мана шундай тантаналарға тўлиқ бўлсин.

Истиқлол кўчасининг икки четидида ландшафт дизайни йўналишидаги экзотик кўри-

нишлар, қатор фавворалар кўзиниғизни қувонтиради. Бу жойда болажонлар учун мўъжаз ўйин аттракционлари ҳам ташкил этилган. 170 миллион сўм эвазига бунёд этилган мусиқий фаввора андижонлик ёшларнинг энг севимли гўшаларидан бириға айланиши, шубҳасиз.

Байрам тантанаси иштирокчиларининг қай бири билан суҳбатлашманг, қувончини яшира олмайди. Мана шундай гўзал юртда яшаётганидан, мустақиллик берган имкониятлардан чексиз миннатдор.

— Андижонимизнинг бу қадар ўзгариб, гўзал қиёфаға киришини илғари тасаввур ҳам қила олмасдик, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши йўриқчиси Шухратбек Ибрагимов. — Ўзим асли тошкентликман. Бирок бугун ҳаётимни Андижон билан боғлаганман. Бу юртнинг одамлари, гўзал табияти ва шунга мос бунёдкорлик манзараларини бир сўз билан таърифлаш қийин. Шубҳасиз, бу истиқлол туфайли яратилган имкониятлар натижасидир.

Акбаржон НАЗАРОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Андижон вилояти Кенгаши
матбуот котиби

«Ойдин ҳаёт»да ойдин ҳаёт

Янги уйларда ҳовли тўйлари

Тўлқинжон ишдан ҳар гал қайтганда, ўзи истиқомат қилаётган маҳаллага нигоҳ ташлаб, унинг кун сайин обод бўлиб бораётганидан қувонади... «Ойдин ҳаёт» маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаган уйлар олдиди аллақачон гулзорлар барпо этилиб, манзароли, мевали дарактлар экилан...

Янги уйға кўчиб келган кунлик қариндошлари, дўстлари уни қутлагани келишиди. Кенг, ёруғ, шинам хоналар, ошхонадаги қулайликлар. Богдаги озодлик, ҳатто томоркадаги сабзавот маҳсулотларини кўриб, тўғриси ҳавас қилишиди.

Абдураим Қобулов «Моможон Дилфуза» фермер хўжалиғи бошлиғи. Уста деҳқон ҳам оила аъзолари билан янги ҳовлида шод-у хуррамлик билан яшаб, ободонлаштириш ишларида фаол. Аҳмаджон Абдуллаев тажрибали пахтакор. Янги уйға кўчиб келган кунлик боғиға мевали кўчатлар, турфа гулларни экди. У эрталаб боғида очилиб турган гулларға қараб, баҳри дили очилади.

— Намунавий асосда қурилган уйлар ҳамқишлоқларға жуда мақбул бўлмоқда. Ҳозир 28 та уйға оилалар кўчиб келишди. Маҳаллада «Супермаркет» дўкони қурилиши якунланди. У байрам арафасида ишга тушади. Новойхонада аллақачон ширмон нонлар ёпилмоқда. Аҳолиға жиззали, гўшти нонлар тайёрлаб бермоқдамиз, — дейди «Ойдин ҳаёт»



маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Худойбергандов.

Ҳа, янги уйларда ҳовли тўйларини ўтказиётган элдошларимизнинг қувончи чексиз. Кўнгидагидек турар-жойларни тайёр ҳолда қуриб, фойдаланишға топширилаётганидан барча мамнун.

Истиқлол йилларида қишлоқларда қад ростлаётган намунавий турар-жойлар ҳар томонлама қулайлиги билан ҳамма мақбул бўлмоқда. Хонқа туманининг Олажа қишлоғида бундай уйлар қурилиши давом этмоқда.

Соҳиба ҒОЙИПОВА



ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Сиёсий ўқиш

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид ислохотларни ривожлантиришни доим қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловолди дастурида белгиланган вазифаларнинг асосини ташкил этади.

Фуқаролик жамияти ривожидида партия иштироки

Буни теран англаган партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши фаоллари доим электорат орасида бўлиб, уларнинг ҳуқуқий-сиёсий билимларини ошириб бериш билан бир қаторда, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Н.Қайибергенов маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг ўз сайловчилари билан яқин ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришда партия фаолларининг масъулиятини оширишга қаратилган навбатдаги «Фуқаролик жамиятини ривожлантириш — аҳолининг маънавий ва моддий фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омил» мавзусидаги сиёсий ўқишда шаҳар ва туман партия кенгашлари раислари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва партия фаоллари иштирок этди.


Депутатлик сўровлари орқали сайловчилар мурожаатларининг ижобий ечим топишига эришиши, маълум қарорлар ижроси бўйича депутатлик назоратини йўлга қўйиш, давлат ва ННТ ташкилотлари билан ижтимоий шеркчилик муносабатларини мустаҳкамлаш орқали жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳақида Нукус шаҳар кенгаши депутати Б.Жуманазарова ва Мўйноқ тумани кенгаши депутати Н.Мирзамуратовлар ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгаши раиси ўринбосари Р.Отарбаев ўзининг «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда депутат иштироки» мавзусидаги маърузасида партия дастурий мақсадларининг негизиде жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш мақсади ётганини таъкидлади.

Сиёсий ўқишда депутатлар фаолиятига доир услубий қўлланмалар ва Ўзбекистон Республикаси қонунларидан фойдаланилди.

— Демак, шундай экан, партиямиздан сайланган ҳар бир депутат ўз сайловчилари олдидеги юксак масъулиятни чуқур сезган ҳолда, фуқароларнинг хоҳиш-истакларини рўйбега чиқаришда фаол ва ташаббускор бўлиши лозим, — деди маърузачи.

Шарипа ТУРЕШОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши матбуот котиби



Оқила, жонкуяр ва фидойи

«Адолатнинг адолатли аёллари»

Юртининг эртаси учун ёниб яшайдиган, хизматлари билан элнинг қорига ярайдиган инсонлар ҳаммиси юксак ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлишади. Орамизда оила юмушлари ва фарзанд тарбиясидан ортиб, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган, ҳаётининг мазмунини фидойи меҳнат, эзгу амал ва яхшиликда кўрайдиган аёллар ҳам борки, уларни ҳар жабҳада ўрнатиб қўриқиб кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши «Аёллар қаноти» аъзоси Гулнора Ҳидоятуллоева ҳам ҳаётини аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга бахшида этаётган ана шундай фидойи хотин-қизларимиздан саналади.



Болалигидан шифокорлик касбини эгаллашни орзу қилган Гулнора опа 1977-1983 йилларда Ўрта Осиё тиббиёт педиатрия институти (ҳозирги Тошкент педиатрия тиббиёт институти)да тахсил олиб, ўқишни имтиёзли диплом билан тамомлади ва иш фаолиятини олийгоҳнинг «Кўз касалликлари» кафедрасида интерна-врач вазифасидан бошлади. Ундаги иқтидорни, жонкуярликни кўрган устозлари, ҳамкасблари қўллаб-қувватлашди. Гулнора Ҳидоятуллоева Жиззах вилоят ва шаҳар болалар шифохонаси кўз касалликлари бўлимида бўлим бошлиғи, врач-офтальмолог вазифасида кўп йиллар мобайнида фаолият юритиб бир қатор ибратли ишларни амалга оширди.

2009 йилда «Толели Зебинисо» хусусий корхонасини очишдан бошлади. Ўқув марказида ҳозирги кунда 18 турдаги ўқув курслари мавжуд бўлиб, «Уй ҳамшираси», курсидаги машғулотлар айнан партиядошимиз томонидан олиб борилиб, ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тўғри овқатланишни ташкиллаштириш, инсон ҳулқ атвори ва феъли унинг саломатлигига қай даражада таъсир қилиши, ҳаракат, жисмоний меҳнат ва жисмоний тарбияни ақлий меҳнат билан уйғунлаштириш инсон саломатлигига нақадар ижобий таъсир қилиши аниқ асослар билан тушунтириб борилади.

«Хотин-қизларни тиббиёт илмидан хабардор қилиш, керак бўлса ҳар бир аёл, қиз биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши билиши лозим», деган иштиёқ Гулнора опани хотин-қизлар учун махсус ўқув маркази очишга ундади. Партиядошимиз тadbirkorлик фаолиятини ривожлантиришда кўп қўллаб-қувватлашди. Гулнора Ҳидоятуллоева каби фаолларимизнинг жонкуярлиги ва фидойилиги эса аҳоли орасида партияимиз нуфузини ошириш, дастурий гоғларимизнинг ҳаётбахшлигини таъминлашда катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Ўқув марказини қандолатчилик, тикиш-бичиш соҳалари бўйича битирган жуда кўп аёллар бугунги кунда ўзларининг хусусий цехларини очиб, тadbirkorлик фаолиятини ривожлантиришмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатлар замирида эса Гулнора опанинг машаққатли меҳнати ва фидойилиги муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Шаҳноза СОАТОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Жиззах вилояти Кенгаши
«Аёллар қаноти» раиси

БПТ — фаол куч

Атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик барқарорликни таъминлаш давримизнинг энг долзарб муаммоларидан бири. Дунё аҳолиси сонининг мутасил ошиб бораётгани, sanoat, қайта ишлаш тармоқларининг кенгаётгани экологик барқарорликка салбий таъсир кўрсатмай қолмапти.

Қуйи бўғин ташаббуси билан сессияга таклиф киритилмоқда

Инсон манфаатлари устувор саналган мамлакатимизда табиатнинг кенг қатламларидаги оламни ҳимоя қилишдаги муҳим ҳимоя базасини мустаҳкамлаш борасида муайян ютуқлар қўлга киритилди.

«Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини мукамаллаштиришга қаратилган таклифларни билдирдилар.

Маълумки, «Адолат» СДП дастурининг «Экология; атроф-муҳитдаги оламни ҳимоя қилиш» деб номланган бўлимида партиянинг экологик муаммоларини ҳал этишдаги мақсадлари баён қилинган. Шу нуктаи назардан «Адолат» СДП Термиз шаҳар кенгашининг Сурхондарё вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида ташкил этилган тadbirkor муҳим аҳамиятга эга. Тadbirkorда Ўзбекистон «Адолат» СДП Термиз шаҳар кенгаши раислари Бекмурод Ашуров, Сурхондарё вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Даврон Тангиоров ва бошқалар истиқлол йилларида экология муҳофазаси ва табиатни асраш соҳасида эришилган ютуқлар хусусида фикр билдиришди. Нотиқлар айни вақтда жамоатчилик муҳофазасига қўйилган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, бу йўналишдаги халқаро тажриба, қонуннинг ижро механизми ва уни такомиллаштириш жараёнлари хусусида маълумот бердилар. Муҳокамалар

Таъкидлаш керакки, яқинда Сурхондарё вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 22 нафар ходими партияга аъзо бўлиш истагини билдирди. Табиийки, қўмита қошида ташкил этилган «Адолат»нинг бошланғич ташкилоти партия гоғларини тарғиб этишга астойдил интилмоқда.

Маълумки, республикаимизда йилга 100 миллион тоннадан ортиқ sanoat, 35 миллион тоннага яқин маиший чиқиндилар ҳосил бўлади. Чиқиндини қайта ишлашни янада кенгайтириш орқали атроф-муҳит мусофоллигини таъминлаш, қўшимча даромад манбаларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Тadbirkorда БПТ фаолларининг «Иқтисодиёт тармоқларига замонавий, чиқитсиз ва камчиқитли технологияларни кенг жорий этиш, чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарини кенгайтириш» таклифи қўллаб-қувватланиб, уни халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгаши сессияси кун тартибига олиб чиқишга келишиб олинди.

Тоир АБДУЛЛАЕВ,
Сурхондарё вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходими, бошланғич партия ташкилоти раиси

«Бошланғич партия ташкилоти партиянинг негизи ҳисобланади... Бошланғич партия ташкилотлари ўзларининг ваколатлари доирасида иш кўришда мустақил бўлиб, барча масалалар юзасидан ўз мулоҳаза ва таклифларини юқори партия органларига билдириш ҳуқуқига эгадирлар. Улар юқори партия органларининг қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун ўз аъзоларини сафарбар қиладилар. Ўз аъзолари бўлмиш халқ депутатларига ёрдам беришда асосий таянч бўлиб хизмат қиладилар».

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Уставидан

Депутат бошлиқ жамоа бошқаларга ўрناق бўлапти

Дастур доирасида

«Давсүвмахсустраспудрат» давлат унитар корхонаси раҳбари Одилжон Бўриевнинг номи нафақат Поппа, балки Наманган вилоятида ҳам яхши маълум. У киши етакчилик қилаётган жамоа кўп қўллаб-қувватлаш кенг миқёсда ирригация-мелиорация ишларини амалга оширади. Асосий вазифа ерларнинг унумдорлигини кўтаришга хизмат қиладиган тadbirkorлар — текислаш, сўғориш тармоқларини таъмирлаш, экин майдонларининг сув билан таъминланганлик даражасини яхшилашдан иборат. Бўриев ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигини тараққий эттириб бўлмаслигини ҳар бир киши яхши тушунади.



етаққиси Иномжон Алимов, энг аввало, партиядошларимизнинг ишлаб чиқаришда намуна бўлишларини таъминлаш учун ҳаракат қиладилар. «Адолатчи»лар ўн етти кишини, яъни жамоанинг учдан бир қисмини ташкил этади.

Масалан, Бунёд Сулаймонов беш йилдан бери партияимиз аъзоси. У ёш бўлса-да, корхонадаги энг яхши экскаваторчилардан бири саналади. Бунёд ўз касбининг фидойиси, техниканинг қадрига етади. Техника билан «тиллашиш» сирларини эса отаси — фахрлий экскаваторчи Рўзбой Сулаймоновдан ўрганган. У киши узоқ йиллар шу ташкилотда меҳнат қилган. Ҳозир нафақатда. Аммо жамоа билан алоқасини узмаган. Тез-тез ёш касбдошларидан хабар олиб

туради. Боз устига, Бунёддан ташқари яна уч фарзандини механизатор қилиб етиштирган. Мавжудали экскаваторчи, Маъруфали ва Фарҳод эса бульдозерни бошқаради. Улар ҳам оталари каби ишлаб чиқариш илгорлари, белгиланган режаларни ҳаммиси ортиги билан бажариб келадилар.

турари. Боз устига, Бунёддан ташқари яна уч фарзандини механизатор қилиб етиштирган. Мавжудали экскаваторчи, Маъруфали ва Фарҳод эса бульдозерни бошқаради. Улар ҳам оталари каби ишлаб чиқариш илгорлари, белгиланган режаларни ҳаммиси ортиги билан бажариб келадилар.

Дарвоқе, жамоа раҳбари Одилжон Бўриев ҳам «Адолат» СДП аъзоси. У киши ўз ҳаётини партия билан боғлаганига 3-Найман сайлов округидан депутат. Корхонадаги бошланғич партия ташкилоти ҳам унинг ташаббуси билан тузилган. Ўзи БПТ ишида фаол қатнашади. Партиядошларини ҳам шунга ундайди. Сайловчилар билан учрашувларда, корхона масалалари билан жойларда юрганда, албатта, «Адолат» СДПнинг гоғ ва мақсадлари, депутатлар фаолияти ҳақида ҳам сўз юритади,

тўғрисида жамоа аъзоларига сўзлаб берди, қуёш ва шамол энергияси, биогаздан фойдаланиш бутун дунёда кенг тус олаётганлиги, бу борада мамлакатимизда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилганлиги ҳақидаги суҳбат кўпчиликлда катта қизиқиш уйғотди. Ўзи кенгашдаги депутатлик гуруҳи раҳбари сифатида сессияга материаллар тайёрлашда қатнашганлиги ва маъруза билан чиққанлиги учун анчагина маълумотлардан хабардорлиги қўл келди.

Депутат бошлиқ жамоа аъзолари шу кунларда ҳам бир қатор объектларда белгиланган ишларни вақтида ва сифатли бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Эришилган юқори натижалар эса давлатимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига тўғри келди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Наманган вилояти Кенгаши
матбуот котиби

Жамият

Фуқаролар соғлиғи — юрт бойлиги, Ватан қудрати

Эл соғлиғи — юрт бойлиги

Қадимдан инсон саломатлиги бебаҳо неъмат ҳисобланиб келинган. Айниқса, дунё тамаддуни, илғор илм-фан ривожига тўғайли янгидан-янги техника ва технологияларнинг ҳаётиимизга чуқур кириб келиши, бир томондан, ҳаётиимизнинг фаровонлашувиға кўмаклашаётган бўлса, иккинчи томондан, саломатликка салбий таъсир этувчи айрим зарарли омиллар тупроқ, сув ва ҳавони қай даражададир ифлослантириб, сайёрамиздаги айрим минтақаларда номақбул экологик вазиятни вужудга келтирмоқда. Бу нафақат инсонлар саломатлиғига, балки инсон ҳаёти учун муҳим бўлган ноёб атроф-муҳитга, яъни ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига ҳам раҳна солмоқда. Аммо, таъкидлаш жоизки, ҳар қандай вазиятда ҳам соғлом бўлиш ва узоқ умр кўришнинг йўл-йўриғи кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ эканлигини мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижаси кўрсатиб турибди.



Мана 22 йилдики, фуқаролар саломатлигини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, санитария-эпидемиология масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлаш, фуқаролар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни парвартириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, оналик ва болаликнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий муҳофазасини таъминлаш, пировардида ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, етук ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи давлатимиз сиёсатида марказий ўринни эгаллаб келмоқда.

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳолига шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг юқори самарали республика тизими ташкил этилди. Барча ҳудудларда болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун янги туғилган чақалоқлар ҳамда ҳомилдор аёлларда туғма ва бошқа патологияни барвақт аниқлашга, фақат соғлом бола туғилишини таъминлашга қаратилган замонавий скрининг марказларининг ташкил этилганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз, деб биламан.

Соҳада олиб борилган чуқур ислохотлар тўғайли бутун мамлакатимиз ҳудудида аввалги кам самарали, ноқулай фельдшерлик- акушерлик пунктлари, қишлоқ врачлик амбулаториялари ва участка касалхоналари ўрнига қишлоқ аҳолисига дастлабки врачлик ёрдамини кўрсатишга ихтисослашган мулкдош янги тилдаки, барча керакли тиббий анжом ва жиҳозлар билан ҳамда олий маълумотли мумамалиёт, оилавий шифокорлар билан таъминланган 3200 тадан ортиқ замонавий қишлоқ врачлик пункт (КВП)лари барпо этилди. Қувонарлиси шундаки, бугун қишлоқ аҳолиси малакали тиббий хизматдан ўзи истиколат қилаётган қишлоқнинг ўзиде, узоққа бориб овора бўлмасдан, шифокорга эҳтиёж сезгани захотиёқ баҳраманд бўлмоқда.

Комплекс саъй-ҳаракатлар

тўғайли охириги 20-22 йил ичида мамлакатимиз фуқароларининг ўртача умри 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларда 75 ёшга кўтарилганлигининг ўзи жамиятимиз аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ислохотлар ҳамда давлатимизнинг фуқаролар соғлиғини сақлашга оид сиёсати самарадорлигини белгиловчи амалий, шу билан бирга юксак баҳо, деб ҳисоблайман.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), БМТ Аҳолишунослик фонди Ўзбекистонда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган сиёсатни юқори баҳолаб келмоқда.

БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) мамлакатимиздаги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш моделини минтақа мамлакатлари учун намуна этифди эътироф этди.

Ўзбекистон "Save the children" ("Болаларни асрайлик") Халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингиде болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи 10 та мамлакат қаторига киритилди. Диққат-эътиборимизни ўзига жалб қиладиган муҳим бир жиҳат хусусида алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз деб биламан: ана шу юқорида қайд этилган барча ютуқларимизга бизнинг ўзимиз эришдик, уни ҳеч ким ташқаридан келиб биз учун тайёр қилиб бермади. Демокриманки, биз истиқлол йилларида, тарихан унчалик кўп бўлмаган муддат ичида мамлакатимиз соғлиғини сақлаш, миллий генофондимизни соғломлаштириш борасида мисли кўрилмаган натижаларга эришдик. Ҳаттоки, одамларимизнинг ўртача яшаш умрини ҳам сезиларли муддатга узайтиришга муваффақ бўлдик, бундан-да кўпроқ муваффақиятларга эришишга қодир эканлигимизни чуқур хис қилмоқдамиз. Бунинг учун бугунги кунда жамиятимизда, оила-ларимизда, шу жумладан, миллий қончиликимизда ҳар томонлама замин яратилганлиги чин ҳақиқатдир. Ҳамма гап,

ана шу имкониятдан тўлиқ ва самарали фойдаланиш ўз қўлимизда эканлигини ҳар бир жамият аъзоси онгига синғдиришда ва барчанинг унга амал қилишидадир.

Мустақиллик йилларида фуқаролар соғлиғини сақлашга оид ислохотлар самарадорлиғиде тизимдаги моддий-техникавий, молиявий-иқтисодий, ташкилий-тузилмавий, ҳуқуқий ўзгаришлар баробарида фуқароларимиз онгига соғлом турмуш тарзи тамойилларининг тобора чуқур синғиб бораётганлигининг ҳам муносиб ўрни бор. Хусусан, ўтган йиллар давомида одамлар онгиде ўзи ва оила аъзолари саломатлиғига нисбатан сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Фуқароларимиз бугунги кунда оммавий спортнинг, соғлом турмуш тарзининг ҳам саломатлик, ҳам оила бюджетига ижобий таъсирини, касалликка чалинишдан қўра унинг олдин олиш осон, арзон ва барчанинг қўлидан келадиган иш эканлигини тўғри англамоқдалар. Туғиш ёшидаги аёлларимиз, ёш оилалар, ёш оналар учун маҳаллардаги диққат-халқаро таъминоти иш эканлигини тўғри англамоқдалар. Туғиш ёшидаги аёлларимиз, ёш оналар, ёш оналар учун маҳаллардаги диққат-халқаро таъминоти иш эканлигини тўғри англамоқдалар. Туғиш ёшидаги аёлларимиз, ёш оналар, ёш оналар учун маҳаллардаги диққат-халқаро таъминоти иш эканлигини тўғри англамоқдалар.

Яратилган имкониятлардан ўринли фойдаланган ҳолда, фуқаролар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар онгига соғлом турмуш тарзи тамойилларини синғдиришнинг янги шакл ва услубларини кенг жорий этиш, ҳудудлардаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда у ердаги маҳаллий мутахассислар, касалликларнинг кўрсаткичлари ва турлари, уларнинг келиб чиқиш сабабларини КВПлар шифокорлари иштирокида аниқ таҳлил қилиш орқали профилактика чоралари янада кучайтириб боришга, келажақда миллий генофонд саломатлиғи даражаси янада яхшиланиши, одамларимизнинг умр кўриши янада узайиши аниқ. Бунинг учун бутун дунёда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига қўра, касалликка чалинишдан қўра унинг олдини олиш ҳар томонлама аф-


зал эканлиғига урғу бериш, бу борада жамоатчилик салоҳиятидан, жамоат назорати имкониятларидан, фуқароларимиз ҳаётида муҳим роль ўйнаётган ўзини ўзи бошқариш органларининг, маҳалларнинг ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар кўмагидан янада кенгрок, унумли ва самаралироқ фойдаланишни йўлга қўйиш талаб этилади.

Албатта, инсон саломатлигини муҳофаза қилишда муътадил экологик муҳитнинг алоҳида ўрни бор. Чунки, инсон табиатнинг бир бўлағи, ажралмас, узвий боғланган бир қисми бўлиб, унда рўй берадиган ҳар қандай ғайритаъбиий ҳолат ёки мувозанатнинг ўзгариши инсон организмга салбий таъсир ўтказмай қолмаслигини барчамиз яхши биламиз.

Шундай экан, аҳолининг экологик маданиятини ошириш масаласи ҳам фуқаролар соғлиғини сақлашда кун тартибидеги муҳим вазифалардан саналади.

Юқорида қайд этиб ўтилганларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари — профессионал Парламент, қолаверса, соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари, соҳадаги олимлар, амалиёт мутахассислари олдиға жуда катта ва ўта масъулиятли талабларни қўяди. Жумладан, қонунчилик бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида бугунги кунда тиббиёт соҳасида мавжуд бўлган ва вужудға келайтган янгидан-янги муносабатларни тартибга солишга қаратилган прогрессив, халқчил қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни, соҳага оид амалдаги мавжуд қонунларнинг ижросини тўлиқ таъминлашға эътиборни кучайтиришни тақозо этади. Зеро, фуқаролар соғлиғи — юрт бойлиғи, барқарор ва обод турмуш, Ватан қудрати манбаи ҳисобланади.

Зухра БОТИРОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси



Барҳаёт санъатга сахна — Регистон

"Шарқ тароналари — 2013"

Мумтоз мусиқа ва қўшиқ ихлосмандлари оризикиб кутган санъат байрами соғинчлар остонасини хатлаб кирмоқда. Яна бир неча кунлардан сўнг, аниқроғи шу йилнинг 25-30 август кунлари Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" IX Халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади ва у мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиғи шодиёналари билан уйғунлашиб, янада чуқур мазмун касб этади.

Эътиборлиси шундаки, халқаро мусиқа фестивали йил марта ўтказилган 1997 йил дунёнинг 31 мамлакатидан вакиллари иштирок этган бўлса, бу галги анжуманда 60 та давлат санъаткор, мусиқашунослари Регистонга ташриф буюришлари кутилмоқда. Бу иштирокчилар давраси янада кенгайиб, қадим Шарқ мусиқа санъатининг чуқур фалсафаси, умумбашарий қадриятлари билан дунёнинг тобора кўп халқларини ўзига ром этаётганлиғидан, янги-янги истеъдодларни жаҳонга танитаётганларидан далолатдир.

Аслида ҳам шундай, Шарқ мусиқаси бетакрор оханглари билан асрлар оша барҳаёт санъатни тараннум этиб келмоқда, ўзининг серкирра ижодлари билан авлодларға катта мерос қолдирган буюк ватандошимиз Абу Наср Форобий мусиқашунослиқда ҳам тенги йўқ даҳо ҳисобланган. Унинг мусиқа санъати ва чолғу асбобларига бағишланган китоблари минг йил аввалги Шарқ маданияти, мусиқий билим, амалиёт ва ранг-баранг ихро усулларидан гувоҳлик беради. Ёки лоақал бундан 104 йил муқаддам Ригадаги "Граммофон" фирмаси томонидан машҳур бастакор ҳофиз Ҳожи Абдулазиз Абдурасул ўғли ижросидаги "Ироқ", "Ушшоқ" каби маком йўналишидаги куй ва қўшиқлар ёзиб олингани Шарқ санъатига, миллий мусиқа маданиятиға жаҳонро эътиборнинг яна бир ифодасидир.

Бугун эса шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ер юзининг турли минтақаларидан ташриф буюрган мусиқашунос, санъаткорларға ўз маҳоратларини намойиш этишларига имконият яратиши билан бирга умрбоқий санъатимизни илмий ўрганиш ва кенг тарғиб этишға хизмат қилмоқда. Чунки, анжуман доирасида халқаро илмий конференциялар

ўтказиш, унда эшитилган қизиқарли маърузаларни тўплам ҳолида нашр этиш алоҳидан аънамага айланган. Ва, яна бир эътиборли жиҳати шундаки, халқаро қўшиқ байрамининг Регистонда очилиш тантаналари 6 та давлат телеканаллари орқали тўғридан-тўғри дунёға намойиш этилади.

Қўра ва ҳамиси навқирон Самарқанд бу гал мусиқа фестивали иштирокчиларини янада обод қиёфаси, бири биридан кўркам қадамжолари билан кутиб олмақда. Хорижий санъаткорлар, ЮНЕСКО вакиллари ташриф буюрадиган ва дилтортар учрашувлар ўтказиладиган Самарқанд шаҳридаги "Мўъжиза" амфитеатри, "Ешлик маданият ва истироҳат боғи", Окдарё туманининг "Қирқдаркон" ва Самарқанд туманининг "Обод турмуш" маҳалла марказлари шулар жумласидандир. Фестивалнинг асосий тантаналари ўтказиладиган Регистон майдонидаги сахна ва амфитеатр режиссёрлар талабига мос равишда тайёрлангани ҳам эътиборға молик иш бўлди.

Хорижий делегацияларға ҳамкорлик қилувчи таржимонлар Самарқанд давлат чет тиллар институти талабалари орасидан танлаб олинди, улар билан махсус ўқув-тренинглари ташкил этилди. Фестивал иштирокчилари Самарқанддаги билалар мусиқа ва санъат мактабларига ҳам ташриф буюриб, мамлакатимизда ёш истеъдодларни тарбиялаш борасидаги доимий эътибор ва ғамхўрликларнинг гувоҳи бўладилар.

Қисқаси, Самарқанд "Шарқ тароналари" фестивалиға яна пешвоз чиқмоқда. Шухратинг қўшигингдек барҳаёт бўлсин, табаррук замин!

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Adolat» муҳбири

HSPA+ технологияси ишға тушди

Янгилик

Бугунги кунда жамият тўқолоғича ахборотлаштирилди. Шу сабабли инсоният мулоқотнинг турли йўллари излашда давом этмоқда. Бу борада мобил алоқа ҳар бир инсон ҳаётида муҳим ўрин тутиши билан бирга мулоқотнинг аънавий кўринишларини бутунлай ўзгартириб юборди. Жамият ҳаётининг таркибий қисмиға айланган мобил алоқа янгидан-янги имкониятларни тақдим этишда давом этмоқда. Замонавий дунё мобил технологияларнинг шиддат билан ривожланаётганиға гувоҳ бўлмоқда.

Мобил технологияларнинг жамиятда тутган ўрнини инобатға олган Ucell мобил оператори Ўзбекистонда HSPA+ технологиясини ишға туширганлиги ҳақида маълум қилди. Бу борада Тошкентда бўлиб ўтган матбуот анжуманида таъкидлаб ўтилди. Мутахассисларнинг сўзларига қўра, ушбу технология Ucell мобил маълумотларни узатиш тармоғининг тезлигини 42 Мбит/с гача кўтариш имкониятини беради ва бу билан мобил Интернет фойдаланувчиларининг барча муҳим талабларига жавоб бера олади.

Мобил Интернетга абонентлар томонидан талаб ошганлиғи сабабли, Ucell республика бўйлаб 3G алоқа таянч станциялар сонини йил бошидан 12 фоизға кўпайтирди.

— Ucell абонентлари биринчилардан бўлиб HSPA+технологиясининг афзалликларини хис этишларидан мамнун-

миз. Ҳозирги кунда компаниямиз доимий равишда 3G тармоғини кенгайтириш устида иш олиб бориб, мавжуд таянч алоқа станцияларға қўшимча ҳажмларни қўшиб келмоқда. Маълумотларни узатиш тезлигини кўпайтириш учун зарур қурилмаларни харид қилиб ўрнатмоқдамиз, — деди Ucellнинг Корпоратив алоқалар бўйича мутахассиси Умида Зиямова.


HSPA+ технологиясининг ишға туширилганлиғи бунинг далили бўлиб, Ucell тармоғида маълумотларни узатиш тезлиги ҳозирги кунда 42 Мбит/с кўрсатмоқда. Ушбу технология Тошкент шаҳрининг 42 та аҳоли жойларида ва Самарқанд шаҳрининг 7 та аҳоли турар жойларига ўрнатилди. Шунингдек, барча йирик вилоят марказларида жорий этиш режалаштирилмоқда. Шу билан бирга, компания тармоғини оптималлаштириш ва кенгайтириш устида жа-

дал равишда ишлар олиб борилмоқда. Яқин орада ташқи Интернет канали камида 20 фоиз кенгайтирилади. Бугунги кунда абонентлар HSPA+технологиясини қўлаб-қувватловчи янги USB модемлари («Modem Turbo+») билан Интернет тезлигини синая кўришлари мумкин.

Ucell компаниясининг техника департаменти директори Гуркан Арслон Ўзбекистон санъат инфратузилмаси ва тadbиркорлик фаол ривожланаётган мамлакат эканлиги таъкидлар экан, "мобил алоқа ҳам шунга яраша бўлиши керак"лигини таъкидлади.

— Компаниямиз мобил алоқа сифатини яхшилаш мақсадида нафақат пойтахт Тошкентда, балки республиканинг барча минтақаларида фаол иш олиб бормоқда, — деди Гуркан Арслон.

Ш.ТўЛАГАНОВ



Эркинлик! Адолатлилик! Бирдамлик!

Партия фаолига кўмак

Социал-демократик ғоялар шакллана бошлаган дастлабки даврларда бу илғор сиёсий куч ишчилар томонидан қўйиладиган талаблар чегарадан ошиб кетмаса, иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ўзаро муроосага келиши мумкин, деган ғояни илғори сурган. Акс ҳолда, яъни талаблар меъёридан ошиб кетган тақдирда иш берувчилар келгусида фаолият олиб бориш рағбатидан маҳрум бўлади, бу эса ишлаб чиқариш мутаносиблигининг бўзилишига, тараққиётнинг секинлашишига олиб келиши мумкин. Демак, аслини олиб қарасак, айнан социал-демократлар жамиятга ижтимоий шерикликнинг илк кўринишларини олиб келишга ҳаракат қилишган.

Социал-демократлар иш берувчилар ишчиларга тўланадиган маблағдан иқтисод қилиш эвазигагина даромад топмаслигини яхши англаб етдилар. Бу ерда бошқа бир қатор омиллар ҳам мавжуд эди. Чунки, ишчи меҳнати самардорлиги, тадбиркорлик фаолияти, бошқарувчанлик, имкон қадар оғир иш кучига эҳтиёж туғдирмайдиган ускуналардан фойдаланиш, бозор конъюктураси кабилар. Албатта, бу ҳолни касбаба уюшмалари ҳам тушуниб етишди. Бироқ социал-демократлар юритган сиёсатнинг ўзига хос томони шунда эдики, улар ҳрқимият тепасига келгач, нафақат бир соҳа ёки ҳудудга оид манфаатдан келиб чиқиб, балки масалага умумжаҳмиёт, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш тамойили асосида фаолият кўрсата бошлади. Шу ёни улар давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий ҳимоя тизимини мукамаллаштириш учун ҳаракат қилишди. Айни пайтда социал-демократларнинг фикрича, иш ҳақлари кескин ошмаса-да, ижтимоий жамғармаларга солиқдан келиб тушадиган маблағлар миқдори кўп бўлиши лозим. Шу асосда «ижтимоий давлат»нинг ягона тизими шаклланади. Бундай тизимни вужудга келтириш — социал-демократиянинг жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссасидир. Эътиборга молик томонига, ушбу тизим ҳукумат тепасига консерватив ёки либерал йўналишидаги партиялар келса ҳам ишлайверишидир.

«Ижтимоий давлат» тараққиёти иқтисодий жараёнларни билвосита бошқаришга боғлиқ. Буни Европада иккинчи жаҳон урушидан кейин айнан социал-демократлар чуқур англаб етдилар. Бу ўринда инглиз олими Ж.Кейнс концепциясидан фойдаланилди. Бу усулдан ўтган асрнинг етмишинчи йилларига қадар самарали фойдаланиб келинди. Бироқ ижтимоий эҳтиёжларга ажратиладиган маблағ миқдори ортиб борган сайин тадбиркорлик ташаббуслари сусая борди. Айрим давлатларда социал-демократлар ўрнига консерваторлар кела бошлагач эса, улар иқтисодиётга монетар сиёсатни қўллашни тавсия этишди. Аммо консерваторлар ҳам барибир билвосита бошқарув тизимидан воз кеча олмадилар.

Умуман олганда, ўтган юз йилликда социал-демократларнинг сиёсий демократия ва бозор муносабатлари шароитида ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясига оид нуқтаи назари янада мустаҳкамланди. Бу эса уларнинг бошқа сиёсий кучлардан ажралиб турувчи ўзига хослигини таъминлади. XX асрнинг 80-90-йилларида Европанинг ақсарият давлатларида консерватив йўналиш барқ уриб ривожланган бўлса-да, социал-демократларнинг иқтисодий сиёсатини либераллар ҳам қўллаб-қувватлай бошлади. Шу боис европаликлар бора-бора социал-демократларнинг эркинликка асосланган, яъни либераллашган сиёсатини маъқуллай бошлади.

Социал-демократларнинг дастурида ҳам, амалиётида ҳам акс этган долзарб ғоялардан бири — иқтисодий демократия концепциясидир. Бу концепция орқали социал-демократлар ғоялари янада жозибдор тус олди. Тўғри, турли давлатларнинг социал-демократик партиялари уни турлича талқин этишди. Хусусан, «Стокгольм декларацияси»да «иқтисодий демократия сиёсатининг ягона ёки якунига етган модели мавжуд эмас», дейилади, айни пайтда «унинг муҳим тамойили шунчаки давлат томонидан олиб бориладиган ҳуқуқий-расмий назоратда эмас, балки иқтисодий қарорларнинг қабул қилинишида ишчи-меҳнатқашларнинг



Иккинчи мақола

бирлашган ҳолдаги салмоқли иштирокида намоён бўлиши»га ургу берилди.

Айнан социал-демократларнинг ушбу тамойили туфайли Европа давлатларининг ақсариятида техника хавфсизлиги, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш графиги, малака ошириш, даромадларни тақсимлаш сингари масалаларни ҳал этишда ишчилар иш берувчилар билан биргалликда иштирок этиб келишади.

Мазкур тизимнинг ишлаши натижасида ижтимоий шериклик тушунчаси юзага келиб, ушбу ҳолат меҳнат ҳамда сармоя ўртасидаги зиддиятни юмшатиш механизми сифатида хизмат қилди. Ижтимоий шериклик сиёсати доирасида энг долзарб муаммолар иш берувчилар, касбаба уюшмаси вакилларининг музокараларида ҳал этилди. Ушбу механизмнинг тадрижий тараққиёти Швецияда 1938 йилда кузатилган. Яъни, ўша йили Сальтшебаден шаҳрида тадбиркорлар ҳамда касбаба уюшмаси вакиллари ўртасида кенг миқёсда битим имзоланган бўлиб, мутахассисларнинг фикрича, ушбу ҳужжат швед социал-демократларининг фаолиятини яна бир неча ўн йилликка мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Аваллари социал-демократик партия юқори солиқ тарафдорлари деб ҳисобланарди. Яъни, солиқ қийматининг юқори бўлиши тўғрисида тўғри ақолининг кам таъминланган қатламга кўрсатиладиган ёрдамнинг ҳажми ва доираси ортишига олиб келади. Шу боис XX асрда социал-демократик партияларнинг иқтисодий дастури диққат-марказида кўп даромад кўрувчилардан олиннадиган солиқ ставкаси ҳам оширилиши кераклиги тўғрисидаги ғоя ётар эди. Сай-

ловолди кампания жараёнида ҳам ун қанот ҳамда сўл қанотдагилар ўртасида айнан ушбу масала бўйича баҳс-мунозаралар бўлиб ўтарди.

1980 йилларга келиб жаҳонда вазият ўзгарди. Солиқ ставкаларининг ортиши тадбиркорларга ноқулайликлар туғдирди, оқибатда ишсизлар сони кўпайди, иқтисодий тараққиёт секинлашди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китоблари кўра, айнан шу даврда Европанинг ривожланган давлатларида ЯИМдан олиннадиган солиқ миқдори 50-йилларга нисбатан кескин, ўртача 30-40 фоизга ортган. Натижада ижтимоий харажатларнинг мутлақ ва нисбатан ортишига қарамай, ижтимоий муаммолар доимий ва оғриқли тус ола бошлади.

Шундан сўнг социал-демократлар солиқ ставкаларини туширишга мўлжалланган либерал сиёсатни ёқлай бошлади ҳамда ушбу ғояни ўз дастурларида ва амалий фаолиятида акс эттиришди. Г.Шредер ва Т.Блэрнинг машҳур Манифестида ҳам ушбу ҳолат аниқ баён этилган: «Илгарилари социал-демократлар, айниқса, тадбиркорларга нисбатан юқори солиқ солиниши тарафдори эдилар. Замонавий социал-демократлар эса, солиқ сиёсатининг тегишли тартибда юмшатилиши уларнинг асосий мақсади бўлишига қарай ҳар қандай қилиши эътироф этишмоқда. Демак, ташкилотларнинг солиққа тортилиши тартиби соддалаштирилиши, корпорациялардан олиннадиган солиқ ставкалари эса қисқартирилиши лозим».

Албатта, замонавий социал-демократлар ўз позицияларини бироз ўзгартиргани билан солиқ тизимидан ижтимоий мақсадларда фойдаланиш

ғоясидан буткул воз кечишгани йўқ. Социал-демократлар энг бой ва энг ночор фуқаролар даромади ўртасидаги тафовутни қисқартириш, мерос, дифференциялаштирилган мол-мулк ва бошқа солиқлардан давлат газнасига келиб тушадиган маблағлар асосида ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш тарафдоридир. Энг муҳими, социал-демократлар ушбу ҳимоя тизими мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари ва хусусий тадбиркорлик ривожига ижобий таъсир кўрсатишига ҳаракат қилишмоқда.

Социал-демократларнинг иқтисодиётда энг муҳим мақсадларидан бири мамлакатда ишсизлар сонини камайтириш, янги иш ўринлари ташкил қилинишига хизмат қилувчи давлат дастурларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ушбу масала бўйича конструктив тақлифларни ишлаб чиқишдир. Экологик масалаларга бўлган доимий эътибор — замонавий социал-демократик партиялар фаолиятининг муҳим жиҳатларидан. Социал-демократлар экологик муаммоларни бартараф этишда, табиатни асраш масаласида инсоният манфаатига зид ҳаракат қилаётганларга нисбатан кескин иқтисодий санкциялар жорий этилишини қўллаш тарафдори.

Албатта, юқорида келтирилган маълумотларда социал-демократия иқтисодий стратегиясининг барча жабҳаси акс эттирилмади. Бироқ буларнинг ҳаммаси социал-демократия бугунги замон ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутаяётганидан далолатдир.

Тоҳир ШАМСИБАЕВ

БМТ бош котиби: Ҳиндистон ва Покистон музокаралари давом эттириши зарур

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Ҳиндистон ва Покистон мунозарали ҳудуд саналган Жамму ва Кашмирда юз берган қуролли тўқнашув сабабли муносабатларнинг кескинлашувига нисбатан «музокара давом эттириш ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга» чақирмоқда.

Ушбу масала бўйича Пан Ги Мун шу йилнинг сентябрь ойида ўз лавозимини тарк этаётган Покистон президенти Асиф Али Зардари ва ҳукумат бошлиғи Наваз Шариф билан учрашишни режалаштирган. Расмий учрашув чоғида, биринчи галда, Афғонистондан халқаро коалиция қўшинлари олиб чиқилгандан сўнг, мамлакатда хавфсизликни таъминлаш чоралари, Кашмирда вазиятнинг кескинлашуви ва Покистонда қашшоқлик билан курашиш ҳамда таълимни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади.

Кашмирда вазиятнинг кескинлашуви Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларни яхшилашга путур етказиши, хусусан, август охири ёки сентябрь ойи бошида чегара сув ресурслари қайта тақсимоли бўйича режалаштирилган учрашувнинг ўтказилишига тўқтинлик қилиши мумкин.



Миррихга бир марталик чипта

2023 йилда Миррихни ўзлаштиришни кўзлаган Mars One лойиҳаси тайёргарликнинг дастлабки босқичини амалга оширишга киришди. Дастур доирасида 100 миңдан ортқ киши унча катта бўлмаган миқдордаги маблағ (38 АҚШ доллар)ни тўлаб, биринчилардан бўлиб қизил сайёрага бутунлай кўчиб ўтиб, унда яшаб қолиш истагини билдиришди.



Кўнгилчилар ичидан фақат 40 киши танлаб олинади. Улардан 4 нафари 2022 йил сентябрда Миррихга қараб ўчади. Бунинг учун талабдорлар лойиҳа харажатлари ва айрим муаммоларни бартараф қилиш мақсадида зарур бўладиган катта миқдордаги бадални тўлашлари лозим.

Жамоатчиликнинг Mars One дастурига бўлган қизиқиши ниҳоятда баланд. Айниқса, кўнгилчиларни ортага — Ер сайёрасига қайтармаслик шарти иштирокчиларда катта ҳаяжон уйғотган. Тахминларга кўра, ушбу саёҳатга 6 миллиард АҚШ долларидан ортқ маблағ сарфланади. Mars One лойиҳаси харажатларини сайёрадаги воқеа-ҳодисаларни трансляция қилиш ҳуқуқини сотиш ҳамда ҳомиёларни жалб қилиш орқали қоплашни режалаштирилмоқда.

— Биз дунёга инсонларнинг қандай қилиб Марсга саёҳат уюштиришлари, у ерда ўтқоқлаши ва янги ер, янги сайёрани ўзлаштиришлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз, — дейди CNN муҳбири билан суҳбатда Mars One лойиҳаси ижрочи директори Бас Лансдорп. — Бу саёрамизда содир бўлган умумжаҳон ҳодисаларининг энг ажайиб бўлади ва биз уни бутун жаҳонга кенг ёритмоқчимиз.

Аммо, Mars One лойиҳаси олдида турган қатор қийинчилик ва вазифалар — катта маблағ зарурлиги, Марс атмосферасига ҳалокатли даражадаги радиацияни олиб кирувчи қуёш шамоллари хавфи ва умуман ноқулай муҳит ҳисобга олинганда мақсадни амалга ошириш мушкуллиги аён бўлади.

«Continental estate advisory group» МЧЖ Риэлторлик ташкилоти

2013 йил 16 ва 18 сентябрь кунлари соат 11:00 да бошланғич баҳоси олиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этили.

Ташкилотимиз томонидан «Тошкент оқшом» газетасининг 24 июль чоршанба ҳамда «Жиззах ҳақиқати» газетасининг 2013 йилнинг 27 июль шанба, 7 август чоршанба сонларида очиқ аукцион савдосига берилган эълонлар бекор қилинганлигини маълум қиламиз.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 6 августдаги 122-сонли буйруғи ҳамда Бахмал тумани ҳокимининг 2013 йил 13 июлдаги 485-сонли қарори билан Бахмал тумани, Ўсман ШФЙ Калтато маҳалласи ҳудудидан юзаси 600 м² бўлган 1 та ер майдони очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда.

Очиқ аукцион савдосига қўйилган ер майдонининг бошланғич баҳоси — 28 440 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 16 сентябрь кунин соат 11:00 да «Continental estate advisory group» МЧЖ Риэлторлик ташкилоти биносида бўлиб ўтади. Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати 2013 йил 13 сентябрь кунин соат 18:00 да.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 13 августдаги 124-сонли буйруғи ҳамда Жиззах шаҳар ҳокимининг 2013 йил 13 июлдаги 1096 ва 1097-сонли қарорлари билан Жиззах шаҳар Кўтарма МФЙ ҳудудидан юзаси 600 м² бўлган 2 та, Сайилжойи МФЙ ҳудудидан юзаси 600,0 кв.м бўлган 7 та (1-дан 9-гача) ер майдонлари очиқ

аукцион савдосига қўйилмоқда.

Очиқ аукцион савдосига қўйилган ер майдонининг бошланғич баҳоси — 322 000 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлардан буюртмаларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб ҳар кунин (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдоси 2013 йил 18 сентябрь кунин соат 11:00 да «Continental estate advisory group» МЧЖ Риэлторлик ташкилоти биносида бўлиб ўтади. Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати 2013 йил 17 сентябрь кунин соат 18:00 да.

Савдога қатнашиш учун талабдорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»га асосан савдога қўйилган мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоринда закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона низомни ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт.


Закалат пулини тўлаш учун реkvизитлар: «Continental estate advisory group» МЧЖ Риэлторлик ташкилоти, ОАТБ «Ипотека» банк Жиззах вилоят филиали, МФО 00122, ҳисоб рақами: 20208000104916649002 СТИР 301949454. Савдо голибига савдо куниндан бошлаб 20 (ингирма) кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

Манзили: Жиззах шаҳар, Ш.Рашидов кўчаси 2596-уй, Тел: (8-595) 503-33-29 электрон почта: Djizakh@gmail.com, расмий сайтими: www.monolit.uz

Лицензия: RR-0035.

Генмодификацияланган гуруч яратилди

Ўзига хос генетик модификацияланган гуруч ротавирус касаллигига қарши курашувчи организмда антигенлар пайдо бўлиши билан юзага келадиган ва уларнинг таъсирини йўқотадиган моддалар ишлаб чиқариш хусусиятига эга. Мазкур маҳсулот қашшоқлик юқори бўлган мамлакатларда, айниқса, болаларда ўткир ичак заҳарланиш хасталиги кенг тарқалиши ва ундан азият чекишига қарши курашишда самарали восита эканлиги билан аҳамиятлидир.



MicoRice-ARP1 деб номланган гуруч ротавирус вироинига антижисм саналган галла бошоқларидаги оксилларни синтезлайди. Шунингдек, жараён табиий кечилиши учун уруғларда одатий оксиллар гамланиши мақсадли равишда пасайтирилган.

Ротавирус инфекциясига қарши антижисм гени олимлар томонидан лама жониворидан олинди. Ушбу ҳайвонларнинг иммун (баъзи заҳарлар юкмайдиган) тизими бошқа сутэмизувчиларниқидан антижисмлари ошқозон кислотаси фаолияти ва қайнашига чидамли эканлиги билан фарқ қилади. Шунингдек шолининг

генмодификацияланган бошоғи 30 минут қайнатиб олинса, унинг шифобахш хусусияти йил давомида сақланади.

Соғлиқни сақлаш Халқаро ташкилоти маълумотига кўра, вирус инфекциясидан ҳар йили ярим миллион киши вафот этади. Ушбу аянчали ҳолнинг 85 фоизи Осиё ва Африка мамлакатларида қайд қилинган.

Ҳилола АБДУРАҲМОҶОВА тайёрлади

Каттақўрғон туманидаги «ДАВРОНБЕК ФАЙЗУЛЛАЕВ» МЧЖ ЖАМОАСИ

бутун халқимизни
Истиқлолимизнинг
22 йиллик байрами
билан муборакбод
этади!

**ЮРТИМИЗ ТИНЧ,
ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОН,
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ
АБАДИЙ БЎЛСИН!**



22 йил!



2013 йилнинг 12 августида

Fitch Ratings Ltd.

халқаро
рейтинг агентлиги

**«Асака» Давлат-Акциядорлик
Тижорат Банкнинг**

халқаро кредит рейтинг

истиқболини

«БАРҚАРОР»

деб тасдиқлади

Белгиялик таникли меъмор Винсент Каллебо осмонўпар биноларнинг антиқа лойиҳасини яратди. Унинг таклифига, ушбу биноларда бир йўла турар-жой ва офислар жойлашади. Биноларнинг тик тарзда ўрнатилганидан фермалари бўлиб, уларда турар-жой эгалари сабзавот ва мевалар ҳам етиштириш мумкин. Бинонинг деворларини осма боғлар ўраб туради. Ушбу уйларда яшовчи аҳоли электр энергияни шамол парраклари, қуёш нури ва ёмғир сувларидан ҳосил қилиши мумкин.

Архитекторларнинг фикрича, бундай уйлар яқин келажақда барпо этилиши режалаштирилган.

Правление Производственного кооператива «Olimp-MSS» расположено по адресу г.Ташкент, Самарканд дарвоза, ул.Уч-лола 14 дом, сообщает о реорганизации в Общество с ограниченной ответственностью «Olimp-MSS».



«3-AВТОБУС САРОЙИ»

очиқ акциядорлик жамияти

«D» тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни ишга қабул қилади.

Ўртача ойлик иш ҳақи
«Мерседес-Бенц» автобуси
ҳайдовчилари учун
900-1 млн. 200 минг сўм.

Ўртача ойлик иш
ҳақи
«Исузу» автобуси
ҳайдовчилари
учун
600-900 минг сўм.



Телефонлар:

248-64-45, 248-56-48.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Янги олмазор кўчаси, 57-уй.

Reklama



«O'NINCHI AVTOSAROY»

маъсулияти чекланган жамияти

«D» тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни ишга қабул қилади.

Ўртача ойлик иш ҳақи
«Мерседес-Бенц» автобуси
ҳайдовчиларига
1 200 000 сўм.

Ўртача ойлик иш
ҳақи «Исузу» автобуси
ҳайдовчиларига
800 000 сўм.



Чипта сотувчиларга
ўртача иш ҳақи
400 000 сўм.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Мирзо Улуғбек тумани,
Авайхон кўчаси 20-уй.

Телефонлар:

265-98-40,

265-17-59.

ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши



Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Мамазор ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖҲУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошўлат МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149);
Ахборот, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146);
Маънавият ва маданият бўлими 288-46-64 (151);
Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Ф.Эсонов. Навбатчи — Ф.Жураев

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgz.uz
adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлиги томонидан 0018
рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217



9 772091 521009

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буортма Г— 800.
Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 9099
Босишга топшириш вақти — 20.45 Босишга топширилди — 23.25
1 2 3 5